

# Йўл-транспорт ҳодисаларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хусусиятлари

Саодат Музаффаровна Мардонова  
Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада Йўл-транспорт воситалари туфайли ҳозирги кунда содир бўладиган жароҳатлар, айниқса, темирйўл ва авиацион ҳалокатларда шунингдек, йўл-транспорт воситалари туфайли содир бўладиган жароҳатлар характери транспорт турига тўғридан-тўғри боғлиқлиги ҳақида фикр мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** йўл-транспорт ҳодисалари, автомобил жароҳати, темир йўл транспорти жароҳати, ҳаракатдаги автомобиль билан одам тўқнашиши.

## Features of first aid in traffic accidents

Saodat Muzaffarovna Mardonova  
Bukhara State University

**Abstract:** This article discusses the fact that the nature of injuries caused by road vehicles today, especially in railway and air accidents, as well as injuries caused by road vehicles, is directly related to the type of transport.

**Keywords:** road traffic accidents, car injury, railway transport injury, human collision with a moving car.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда йўл-транспорт ҳодисалари туфайли келиб чиқадиган жароҳатланиш асосий жароҳатланиш турига киради. Дунё йўлларида ҳар йили 8 миллионга яқин киши йўл-транспорт ҳодисалари натижасида турли хилдаги жароҳатлар олиб, улардан қарийб 300 мингтаси ҳалок бўлади. Айниқса, сўнгги йилларда транспорт турларининг кескин кўпайиши ва иқтисодиётимизга кенг кириб бориши транспорт травматизмининг кескин ўсишига олиб келди. Транспорт травма-тизми бўйича ўлим даражасини чекланган урушлар (Афғонистон, Чеченистон) натижасида қурбон бўлганлар сонига солиштиришса бўлади. Одатда, кўпгина ҳолларда йўл-транспорт ҳодисалари ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги, уни кўпол равишда бузишлари ва менсимасликлари туфайли келиб чиқади. Йўл-транспорт ҳодисаларининг фақатгина 1/3 қисмигина йўл ҳолати ва транспорт воситаларининг техник носозлиги натижасида содир

бўлади. Йўл-транспорт ҳодисаларининг қарийб ярмиси ва ундан кўпроғи мастлик ҳолатида, охириги йилларда эса гиёҳвандлик моддалари қабул қилиши туфайли содир этилмоқда. Шу туфайли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ичкилик ва гиёҳвандликка қарши чора-тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутди. Йўл-транспорт воситалари туфайли содир бўладиган жароҳатлар механик жароҳатлар турига киради. Улар бошқа турдаги механик жароҳатлардан мураккаблиги, кўп тоифали ва баъзи ҳолларда, айниқса, темирйўл ва авиацион ҳалокатларда кўп сонли бўлиши билан характерланади. Йўл-транспорт воситалари туфайли содир бўладиган жароҳатлар характери транспорт турига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жароҳат етказган транспорт турига қараб жароҳатлар қуйидаги турларга бўлинади:

*Автомобиль жароҳатлари.* Автомобиль жароҳатлари деганда механик тана жароҳатлари кўзда тутилиб, улар ҳаракатдаги автомо-билнинг ташқи ва ички қисмларининг зарби ҳамда ҳаракатдаги автомобилдан йиқилиш туфайли юз беради.

Автомобиль жароҳатлари қуйидаги турларга бўлинади:

- а) ҳаракатдаги автомобилнинг одам билан тўқнашиши туфайли;
- б) автомобиль ғилдираклари билан босиб ўтиш туфайли;
- в) ҳаракатдаги автомобилдан йиқилиш туфайли;
- г) автомобиль ички қисмларига урилиш туфайли;
- д) автомобиль ва бошқа жисмлар орасида эзилиш туфайли;
- е) комбинациялашган турлари.

*Ҳаракатдаги автомобиль билан одам тўқнашиши* туфайли содир бўладиган жароҳатлар энг кўп учрайди. Унинг ҳисобига умумий автомобиль жароҳатларининг 60% тўғри келади.

Жароҳат олишнинг ҳар бир босқичи жароҳатланган шахс танасида ўзига хос бўлган шикастланишларни юзага келтиради. Бунда синишлар ва чиқишлар, ички аъзоларнинг йиртилиши ва узилиши, бош мия ва умуртқа поғонасининг шикастланиши, тери ва тери ости тўқималарининг йиртилиши ва шилиниши кузатилиши мумкин. Ўз вақтида кўп сонли бундай жароҳатлар қон кетиши, шок ҳолатларига ва ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Йўловчиларнинг ҳаракатдаги автомобиль билан тўқнашувининг уч варианты тафовут қилинади: автомобилнинг олд, ён ва орқа қисмлари билан тўқнашуви. Аксарият кўп ҳолларда бундай жароҳатлар автомобиль олд қисми зарби ҳисобига рўй беради.

*Автомобиль ғилдираги билан босиб ўтиш натижасида олинган жароҳатлар* мустақил автомобиль жароҳати сифатида кам учрайди. Аксарият кўп ҳолларда бундай жароҳатлар бошқа турдаги автомобиль жароҳатлари билан комбинациялашган ҳолда учрайди. Бу турдаги жароҳатларда

шикастланиш даражаси автомобиль маркаси, унинг оғирлиги ва шиналар турига боғлиқ бўлиб оғир кечади.

*Харакатдаги автомобилдан йиқилиш* туфайли содир бўладиган жароҳатлар кўпроқ қишлоқ жойларида учрайди. Йўловчининг кузовдаги ҳолати ва транспорт ҳаракат йўналишига қараб йиқилиш турли йўналишда бўлиши мумкин, яъни ён томонга, машина йўналиши бўйича, орқа томонга борт орқали ва бошқалар. Бунда олинadиган жароҳатлар баландликдан йиқилганда олинadиган жароҳатларга ўхшайди. Кўпинча, таянч-ҳаракат органлари, бошчаноқ суяклари ва бош мия шикастланишлари кузатилади. Айниқса, бош соҳаси ва тос суяklarининг шикастланишлари бошқа соҳаларга нисбатан хавфли бўлади.

*Автомобиль ички қисмларига урилиш* туфайли содир бўладиган жароҳатлар, одатда, катта тезликда кетаётган икки машинанинг тўқнашиши туфайли юз беради ёки унинг турғун предметга урилиши ҳамда ағдарилиб кетиши туфайли содир бўлади. Кабина ичидаги жароҳатлар машина ҳаракатининг кескин оширилиши ёки тўсатдан тормоз берилиши туфайли ҳам рўй беради. Тўқнашув натижасида машина кучли деформацияга учраса, машина ичидаги шахс ва шахслар танаси зарб таъсири билан бирга қўшимча равишда эзилиши мумкин. Асосий жароҳатлар тананинг олд қисмида, камроқ – ён соҳасида кузатилади. Машина ичидаги жароҳатлар кўп ҳолларда бош ва оёқ-қўлларнинг, шикастланиши тарзида намоён бўлади. Кўп ҳолларда, автомобиль ҳаракат тезлигининг кескин ўзгариши йўловчи ва ҳайдовчида умуртқа поғонасининг бўйин қисмида характерли синишларни, юз беришига олиб келади.

*Автомобиль жароҳатларининг автомобиль ва жисмлар орасида эзилиш* ҳамда комбинациялашган турлари юқорида қайд этилган турларнинг маълум даражада биргаликда учраши туфайли содир бўлади. Бунда жароҳатлар нисбатан кўплиги ва оғирлик даражасининг юқорилиги билан характерланади.

*Мотоцикл жароҳатлари.* Бундай жароҳатлар характери ва содир бўлиш механизми ҳали етарли даражада ўрганилган эмас, чунки транспорт жароҳатларининг бу тури яқинда автомобиль жароҳатларининг ичидан ажралиб чиқди. Мотоцикл жароҳатлари-нинг кузатилишида ўзига хос даврийлик характерлидир. Йўл-транспорт жароҳатларининг бу турида йўловчи билан биргаликда мотоцикл ҳайдовчиси ва пассажирнинг ҳам шикастланиши эҳтимоллиги жуда юқоридир. Бу эса ҳаракат воситасининг ўзига хос конструкцияси билан боғлиқдир. Мотоцикл жароҳатларида аксарият ҳолларда бош соҳаси, жумладан, миянинг шикастланиши ҳамда қўл-оёқ суяklarининг очиқ ва ёпиқ синишлари характерлидир. *Трактор жароҳатлари.* Халқ ўжалигида ғилдиракли ва тасма-занжир ҳаракатли тракторлар кенг

қўлланилади. Уларнинг қўлланиши баъзи ҳолларда кишиларнинг қурбон бўлиши билан кечадиган бахтсиз ҳодисалар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади.

Трактор жароҳатлари ҳар хил, тасма-занжир ҳаракатли трактор жароҳатлари ва филдиракли трактор жароҳатларига бўлинади. Филдиракли трактор жароҳатлари кўпгина ҳолларда автомобиль жароҳатларини эслатади, аммо бу турдаги жароҳатлар шикастланиш оғирлиги, мураккаблиги ва тана соҳаларининг бўлакланиш эҳтимоллиги туфайли ўлим даражасининг юқорилиги билан фарқ қилади. Биринчи тиббий ёрдам беморга қулайлик яратиш, шикастланган соҳага энли бинт, сочиқ, чойшаб ёки шунга ўхшаш нарсалар билан қаттиқ босиб турувчи айланма боғлам қўйишдан иборатдир.

Асоратсиз бўлган синишларда меҳнат қобилияти ўртача 3–5 ҳафта, ўпка тўқимасининг шикастланиши билан бўлган мураккаб синишларда эса 2–2,5 ойдан сўнг тикланади.

Кўкрак қафаси чайқалиши организмга портлаш тўлкини таъсир қилинганида келиб чиқади. Бунда маҳаллий ўзгаришлар бўлмасдан, биринчи планга шокка ўхшаш умумий белгилар чиқади. Артериал қон босимининг пасайиши, томир уришининг тезлашуви, юзаки нафас олиш, ҳаво етишмаслиги, терининг оқариши, қусиш, юз тери соҳасининг кўкариши ва қон туфлаш рўй беради. Беморга биринчи ёрдам сифатида оғриқ қолдирувчи дори-дармонлар берилади ва чалқанча ётган ҳолда шифохонага жўнатилади. Шундай қилиб, кўкрак қафаси шикастланган шахсларга биринчи тиббий ёрдам жароҳат соҳасига стерил герметик боғлам қўйиш, оғриқ шокиннинг олдини олиш чоратадбирларини қўллаш, шикастланганларга қулай ҳолатни таъминлаш ва даволаш муассасасига эҳтиёткорлик билан етказишдан иборат бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Amonovich, M. A., Muxammadjonovna, M. S., & Saidovna, M. G. (2019). Printing and technical properties of cotton fabrics printed by thickening polymer compositions. *Austrian Journal of Technical and Natural Sciences*, (11-12), 45-47.
2. S.M. Muzaffarovna. Emergency Medical Care in Emergency Situations. *Eurasian Research Bulletin* 4, 28-29
3. Mardonova, S. (2021). СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАДА СОҒЛОМ МУҲИТНИ ЯРАТИШ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 8(8).
4. Mardonova, S. (2021). Efficiency of creation and use of multimedia training courses in the education system. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 8(8).
5. Mardonova, S. (2021). THE INFLUENCE OF BAD HABITS ON THE HUMAN BODY. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 8(8).

6. Mardonova, S. (2021). Efficiency of creation and use of multimedia training courses in the education system. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

7. Mardonova, S. (2021). Талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг инновацион механизмларини такомиллаштириш йўллари. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

8. Mardonova, S. (2021). Абу Али Ибн Сино асарларида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари ва инсон камолоти. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

9. Шарафутдинова, Р. И., Муратова, Г. С., & Турсунбаева, М. Т. К. (2020). КОНЦЕПЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ И ИХ ФОРМИРОВАНИЕ В СОЗНАНИИ СТУДЕНТОВ. Биология и интегративная медицина, (4 (44)), 156-161.

10. N.R. Ochilova, G.S. Muratova, D.R. Karshieva. The Importance of Water Quality and Quantity in Strengthening the Health and Living Conditions of the Population. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES 2 (5), 399-402.

11. Шарафутдинова, Р. И., Муратова, Г. С., & Турсунбаева, М. Т. (2020). Талабаларда экологик тафаккур ва тарбия тушунчаларини шакллантириш. Новый день в медицине, 1(29), 105-107.

12. ШАРАФУТДИНОВА, Р. И., МУРАТОВА, Г. С., & ТУРСУНБАЕВА, М. Т. К. (2020). Concepts of ecological thinking and education and their formation in the minds of students. Биология и интегративная медицина, (4), 156-161.

13. N.R Ochilova, G.S Muratova, D.R Karshieva. The Importance of Water Quality and Quantity in Strengthening the Health and Living Conditions of the Population. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES 2 (5), 399-402

14. S.R Infarovna, M.G Saitovna. Role formation of ecological thinking and education in higher education institutions. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (2), 1400

15. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова, Г.А Жумаева, Ш.А Мустафаева. USING COLLABORATIVE LEARNING METHOD ON CONDUCTING PRACTICAL EXERCISES ON THE SUBJECT OF SPORTS MEDICINE. Новый день в медицине, 261-264

16. Z.H. Tolibova, D.R. Qarshiyeva, N.R. Ochilova. The role of Human healthy and safe lifestyle in the period of global pandemic-covid 19. The American journal of applied scincer 2 (11)

17. G.S. Muratova, D.R. Qarshiyeva. Basic Symptoms of Infectious Diseases European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630) 13, 117-121.

18. D.R. Karshieva, F.A. Nazarova, Z.H. Tolibova. Atmospheric dust and its effects on human health *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 11 (3), 1168.

19. F.A Fayziyeva, F.A Nazarova. Bioecology and useful properties of papaya or melon tree. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 11 (3), 1778

20. A. ASADULLAYEV. Jamiyatda sog'lom turmush tarzini tashkil qilishda jismoniy tarbiya va sport mutaxasislarining o'rni. *Центр научных публикаций (buxdu.uz)* 1 (1)

21. A.N. Asatullayev, O.G. Jabborova Bleeding and its Types, Organization of Emergency Assistance in Bleeding. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630) 13, 111-116

22. ASADULLAYEV, A. (2021). sog'lom turmush tarzini shakllantirishning pedagogik asoslari. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)*, 8(8).

23. Asadullaev, A. N., & Tolibova, Z. X. (2021). *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES* Volume: 02 Issue: 05| Sep-Oct 2021 ISSN: 2660-4159.

24. Ahmadovich, T. N., Kosimovich, H. Y., Azamovna, J., & Ahmedjanovna, N. F. (2020). The Formation of Water Collector-Resources Drainage Network of Zarafshan Oasis and the Questions of Recycling. *TEST Engineering & Management*, 27380-2738.

25. Fayziyeva, F. A., & Nazarova, F. A. (2021). Bioecology and useful properties of papaya or melon tree. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1778-1785.

26. Мустафаева, М. И., & Файзиева, Ф. А. (2016). Сравнение альгофлоры биопрудов г. Бухары с аналогической флорой прудов Узбекистана. *Евразийский Союз Ученых*, (6-3 (27)), 81-82.